

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

КУРС ИШИ

**Мавзу: Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий
давлатнинг асослари.**

Бажарди: Саидмуродов Жобир

Раҳбар: Қаюмов Зоир

Мавзу: Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг асослари.

Кириш.....3-7 бетлар

I боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асослари.....8-13 бетлар

1.1. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда мулк ва мулкӣ муносабатлар.....8-11 бетлар

1.2. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш шароитлари.....12-13 бетлар

II боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг сиёсий асослари.....14-16 бетлар

2.1. Ҳуқуқий давлатнинг сиёсий ифодаланиши..... 14-15 бетлар

2.2. Фуқаролик жамиятининг сиёсий асослари.....16-бет

III боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг маънавий асослари.....17-25 бетлар

3.1. Фуқаролик жамиятининг маънавий соҳаси.....17-19 бетлар

3.2. Ҳуқуқий давлатнинг мафкуравий асослари..... 20-25 бетлар

IV. Хулоса.....26-28 бетлар

V. Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати.....29-30 бетлар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги ва эътиборга сазоворлиги шундан иборатки, бугунги кунда Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш жараёнида ҳуқуқ ва эркинликлар жуда муҳимдир. Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатида мустақилликни қўлга киритиши билан бутун ижтимоий - иқтисодий соҳасида кўп ўзгаришлар содир бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг маънавий туғилиши юз бермоқда. Бу хусусда Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Фақатгина фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда янги демократик қадриятлар илдиз отишига, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва унинг эрки асосий бойлиги бўлган дунёвий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятига мос келадиган янги замонавий сиёсий, хўжалик ва жамоа тузилмалари қарор топишига имкон туғилади”¹.

Шуни таъкидлаш жоизки, эришган ютуқларимиз сира ҳам тасодифий эмас. Бу - ўтмиш ва ҳозирги кунга берилган тўғри, илмий асосланган баҳонинг, ўтиш даври мураккаб масалаларини хал этишнинг энг тўғри йўлни танланганлигининг натижасидир. Ўзбекистон ҳаракат дастурини аниқ ишлаб чиқиб, жамиятни ўзгартиришга киришди. Республикадаги ҳақиқий иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-ахлоқий вазият чуқур англаб етилди ва шу асосда янгиланиш ва тараққиётнинг ўзимизга хос йўли белгиланди. Республика Президентининг олдимизга қўйилган машаққатли, аммо юксак вазифаларни бажариш йўлидаги изчиллиги, мақсад сари интилиши, катъияти хурмат ва тақсинга лойиқ.

« Фуқаролик жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди, биз учун истиқлол - давлатчилигимизни мустаҳкамлаш, буюк келажагимизнинг пойдеворини қуриш, миллий онгимиз ва фикримизни юксалтириш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрнимизни эгаллашимиздир”².

Шундай қилиб, 70 йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Ўзбекистоннинг тадири ва фаровонлиги собиқ иттифоқ қўлида бўлиб келди. Ўзбекистондан махсулотлар ва

¹ Каримов И.А. Янгича ишлаш ва фикрлаш – давр талаби. 5-том.Т., “Ўзбекистон”, 1997., 104-105-бетлар.

² Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., 1996, “Ўзбекистон”, 283-284-бетлар.

хом ашёни ташиб кетишар, юртимизга эса, бу ерда истиқомат қилувчилардан сўраб-нетмай, маслахатлашмай, ўзлари лозим топган нарсаларнигина келтиришарди. Айни пайтда юртимизда амалга ошириладиган бошқарув тизими жойларда ҳам, тармоқларда ҳам, ишлаб чиқариш сохаларида ҳам ва тақдимотда ҳам марказга қатъий тобелик асосида, у белгилаб берган чизикдан ташқарига чиқмай, олиб бориладди. Шунинг учун ҳам бундай шароитда одам шунчаки ишлар, шунчаки умр кечирарди, тириклик деган неъматнинг, хаёт деган тушунчанинг мағзини чақишга ўзида рағбат сезмас эди, бинобарин, аҳд билан иш тутиш, воқеликни идрок қилиш, бунёд этиш, яратиш туйғулари бутунлай сўндирилган эди.

Шуни мамнуният билан қайд этиш керакки, истиқлол имкониятларини олдиндан пайқаган мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини тўғри кузатиб, тўғри баҳолай олган Ўзбекистон ўзининг чинакам мустақилликка эришиш мақсадини биринчилардан англаб етди.

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятида ўз маърифий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Миллий истиқболга интилаётган халқимизнинг хоҳиш истаги адолатли, фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш. Мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий, ҳуқуқий ислохотлар самарасини бермоқда.

Дарвоқе, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат борасида, жумладан, Юртбошимиз, давлатнинг куч-қудрати фақат бошқарувнинг барча ваколатларини ўз зиммасига олиши ҳамда давлат идораларининг ҳукм ва тазйиқ ўтказувчи орган сифатидаги вазифаларини кучайтириш билангина белгиланмаслигини, балки давлатнинг куч-қудрати, авваламбор, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий, ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур

имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанишини алоҳида кайд этиб ўтди¹.

Умуман олганда, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этар эканмиз, биринчи навбатда, қуйидагиларни амалга оширишга муваффақ бўлинди:

- мустақиллик ва суверенитет қўлга киритилди; дунё харитасида жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинган янги давлат - Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлди;

- мамлакатда сохта ғоя, маъмурий-буйруқбозлик асосига қурилган мустабид тузумга барҳам берилди;

- эркин бозор иқтисодиёти принципларига асосланган демократик давлатнинг конституциявий, ҳуқуқий ва амалий асослари яратилди;

- давлат ва жамиятни, иқтисодиётни, молия ва пул муомиласини, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳамда бошқаришнинг янги тизими барпо этилди;

- ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг мустақил йўли шакллантирилди;

- миллий армия тузилди;

- тарихий, миллий ва ахлоқий қадрият ҳамда анъаналарнинг, муқаддас динимизни жамиятнинг маънавий юксалишидаги ўрни ва ахамияти қайта тикланди;

- умумий хонадонимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқаролараро тотувлик қарор топтирилди;

Мавзунинг мақсади ва вазифалари. Эндиликда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг ривожланиши, унинг изчиллиги ва самарадорлигини таъминлаш - мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий ислохотларнинг энг асосий йўналиши бўлиб колди. Бунда, аввало, мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий

¹ Каримов.И.А.Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-провард мақсадимиз. 8-том. Т., “Ўзбекистон” 2000, 334-335 бетлар.

кадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш муҳим ҳисобланади. Бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги инсон ҳуқуқларини таъминлаш, инсонпарварлик ва умуминсоний кадриятларга риоя қилиб яшаш принципини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантиришга алоҳида эътибор бериш катта аҳамиятга эга. Аини чоғда жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантириш, сиёсий ҳаётда ҳақиқий маънодаги кўппартиявийлик принципини қарор топтириш ҳам муҳим саналади.

Шунингдек, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий принципига катъий амал қилиш, жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш ҳам ғоят муҳим ҳисобланади.

Бу - мамлакатимизда демократия принципларига асосланган, ҳеч қандай сиёсий кучларнинг субъектив хоҳиш-иродасига қарам бўлмасдан ишни фаол ташкил қиладиган, ўз моҳиятига кўра фуқаролик жамиятнинг олға силжишига ҳалақит бераётган иллат ва асоратларни бартараф этишга қодир бўлган самарали тизимни шакллантириш демакдир.

Мавзунинг назарий асослари. Мавзунинг илмий-назарий концепсиясини белгилаб олишда Республикамиз Президенти И.Каримовнинг асарлари, махсус фармонлар, маъруза ва суҳбатларида ёш кадрлар тайёрлашга, шунингдек, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун янада кенгроқ шарт-шароит яратиш, ҳокимият тизимлари бўлинишининг конституциявий принципига катъий амал қилиш, жамият аъзоларининг сиёсий, ижтимоий салоҳиятини, ташаббус эркинлигини рўёбга чиқариш учун зарур имкониятларни вужудга келтириш ҳам ғоят муҳим ҳисобланади. Тадқиқот жараёнида ҳалқаро ва Республика миқёсида ўтказиладиган илмий-амалий тадқиқотларга мурожаат қилинади.

Мавзунинг илмий янгилиги. Реферат мавзуда куйидаги илмий янгиликларни яратиш кўзда тутилган.

махаллий хокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеини оширишни кўзда тутадиган “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини ҳаётга изчил ва собитқадам жорий қилиш зарур. Бунинг замирида одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти ва фаоллиги юксалиб боргани сари давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтиши, маҳаллаларнинг нуфузи ва мавқеининг ортиши, уларга кўпроқ ҳуқуқлар берилиши каби масалалар ётади.

Мавзунинг илмий аҳамияти. Мавзуда баён этиладиган фикрлар айниқса, давлатнинг ислохотчилик вазифаларини демократик талаблар асосида, халқимиз ва жамиятимиз манфаатларига мос ҳолда амалга оширадиган истеъдодли, изланувчан, чуқур билимли ва юксак малакали, маънавий-ахлоқий салоҳиятли, Ватанга, она юртга садоқатли, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёш кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва янгилашга имкон берадиган тизимни такомиллаштириш янада муҳим.

Умуман, ҳозирги ўзбек давлатчилигини мустаҳкамлаш учун, юқорида қайд этиб ўтилган вазифаларни амалга ошириш билан бир вақтда, давлат, унинг органлари нуфузини ошириш, давлатни ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг илмий асосланган концепциясини ишлаб чиқиш зарур. Давлат хизматчилари ва мансабдор шахсларининг юқори даражадаги профессионализи бугунги кунда ўта долзарб аҳамият касб этмоқда. Амалда давлатни мустаҳкамлаш - бу унинг жамият ва шахс манфаатларида самарали фаолият кўрсатиши демакдир.

Мавзунинг тузилиши. Кириш, уч боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва мурдарижадан иборат.

I боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг иқтисодий асослари.

1.1. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда мулк ва мулкый муносабатлар.

Энди, давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиш сабабларини оидинлаштириб, унинг вазифаларини аниқлаб олганимиздан сўнг, фуқаролик жамияти мавзусига қайтамиз, тўғрироғи, унинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий асосларини кўриб чиқамиз.

Ижтимоий адолат ва ҳақиқатнинг сўзда эмас, амалда қарор топишини таъминлайдиган, қонун устуворлигига қатъий асосланадиган, жамики фуқароларни, оддий инсонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган, маданият, маънавият, маърифат, илм-фан тараққиётига кенг йўл очиб берадиган, инсоннинг инсонларча яшаши, фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит ва қулайликларни яратиб берадиган эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш инсониятнинг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган азалий орзу-ниятидир.

Ўзбекистан Президенти «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавобларида бу ҳақда шундай дейди: «Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заманимизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша имон-этиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур»¹.

Қайд этиб ўтганимиздек, фуқаролик жамияти хусусий мулк асосида вужудга келган ва ривожлана бошлаган. Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси — Француз инқилоби манифести — хусусий мулкни муқаддас

¹ Каримов И.А. Ўз келажакимизни уз қулимиз билан қурмоқдамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 304-бет.

ва дахлсиз деб эълон қилди, яқобинчилар (феодализмнинг энг довурак «гўрковлари») эса, уни фуқаролик жамияти шаклини олаётган янги ижтимоий тузумнинг мустаҳкам асоси деб ҳисоблардилар.

Хусусий мулк одамларни бир-биридан айириб, уларда очкўзлик, баҳиллик, мунофиқлик ва бошқа тубан қусурларни кўзлаб қолмай, балки айна пайтда мислсиз ижодий ташаббускорлик, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қизиқишнинг завқ-шавқига ҳам ҳаёт бағишлаганди. Тарих тажрибаси шундан далолат бериб турибдики, буни бирон кимса инкор эта олмайди. «Жумладан «Авесто»даги мулкӣ муносабатлар эркин жамоа аъзоларининг кўчмас ва ўрнида кўзгатиб бўладиган мол-мулклари, ўзлари яшаётган уйларнинг эгалари, экиладиган ерлар ва боғлар, ўтлоқлар, от ва чорва молари эгалари бўлган, деб ҳисоблашга асос беради.

«Авесто»да талқин этилган «гайта» атамаси хусусий мулк маъносини англатган. Эркин жамоа аъзоларининг мулкчилик ҳуқуқи амалдаги эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқи билан чекланмаган. У ўз ичига бошқариш ҳуқуқини, яъни бошқа шахс эгалигига тортиб олиш, ўтказишни ҳам қамраб олади»¹.

Охир-оқибатда айнан хусусий мулк давлат ҳокимиятига муносабат нуқтаи назаридан мустақил турувчи фуқаролик жамиятининг шаклланишига ёрдам берди. Ҳатто хусусий мулкнинг Марксдек душмани ҳам, ўз таърифича, ишлаб чиқаришнинг осийча усулини тадқиқ этаркан, иқтисодиёт ва сиёсатдаги турғунлик, бошқарув шакллариининг қотиб қолганлиги, тарихий истиқболнинг бой берилиши, ҳаёт даражасининг пастлигини *ушбу жамиятларда ерга нисбатан хусусий мулкнинг йўқлиги билан* изоҳлашга мажбур бўлганди.

Ўшандан бери катта ўзгаришлар юз берди. Тараққий этган капиталистик мамлакатларда ҳар жиҳатдан етук маданий жамият ташкил топдики, у одамларнинг турмуш даражаси ва сифатига кўра тоталитар тузум байроқлари остида майдонга чиқиб, капитализмнинг барча муваффақиятларини инкор этиб келган ҳар қандай жамиятдан анча устунлик қилади. Бундан ташқари, купчилик Ғарб мамлакатларида фуқаролик жамияти аҳоли турли қатламлари

¹ Шарифхужаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шалланиши. Т., «Шарқ», 2003, 162-163-бетлар.

ва синфлар ўртасидаги муносабатларда тангликни ижтимоий портлаш даражасигача етказмасликка қодир бўлиб чиқди. Яна энг муҳими шундаки, у ерларда «пролетариат» - «йўқсилар синфи» йўқотадиган нарса мавжуд.

Хусусий мулкнинг жамиятдаги ролини тушуниш туфайлигина буларга эришиш мумкин бўлди. Эндиликда хусусий мулкни йўқотиш давлатнинг мулкка танҳо эгаллигини ўрнатиш дегани, хусусий ташаббускорликни сўндириш уни ягона амалдорлар марказининг танҳо ташаббусига алмашиш дегани эканини тушунмайдиган одам топилмаса керак. Собиқ иттифок мисолида биз бу иш пировардида давлат монополиясига олиб бориши ва барча меҳнаткашларнинг партия мансабдорлари табақасига тўла ва узил-кесил тобе бўлиб қолишларига имкон яратишига ишонч ҳосил қилдик.

Мана, эндиликда истиқбол боис аксарият юртдошларимизда мулкка эгалик, мулкдорлик туйғусининг уйғониши ва ривожланиши жараёни яққол кўзга ташланмоқда. Жумладан, ўрта қатлам вакиллари, кичик ва хусусий корхона эгалари пайдо бўлмоқда, мулк, ер участкалари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар, умуман, даромад келтирадиган мулк шаклланиб бормоқда.

Албатта, бу жараён ғоят мураккаб кечишини ҳам таъкидлаш жоиз. Бинобарин, Президент Ислон Каримов тўғри таъкидлаганидек, яқингинада, мустақилликнинг дастлабки йилларида «Хусусий мулк деган иборанинг ўзиёқ кўпчиликда нохушлик ва ижтимоий норозилик ўйғотарди...

Вақт ўтган сари ҳаёт ўзгармоқда, кадриятлар, одамларнинг тафаккур тарзи ўзгармоқда.

Шу сабабли бугун бизнинг ҳаётимизда эскича қараш ва қолиплардан буткул воз кечиш, янги мулк муносабатларини жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ҳужжатларини оғишмай амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Яна юртбошимиз ўз фикрини шундай давом эттиради: «Биз ҳаётда янги тушунча ва кўникмалар билан дадил фикр юритишимиз зарур. Ўз меҳнати билан ўз бойлиги, ўз оиласи бойлигини, бинобарин, жамият бойлигини

яратаётган одам, унинг ташвиш ва мақсадлари бизнинг диққат марказимизда, ислохотларимиз марказида бўлмоғи даркор.

Мулкдорлар тоифасига кенг йўл очиш керак, токи у жамиятнинг етакчи ҳаракатлантирувчи кучига, жамиятнинг масъул шахсига айлансин»¹.

Мулк ва мулкӣ муносабатлар жамият тарққӣетининг асосий мезони сифатида унинг тарққӣетини белгилаб беради.

¹ *Каримов И.А.* Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон», 1999, 157-158-бетлар.

1.2. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиш шароитлари.

Фуқаролик жамияти бағрида шаклландиган ҳуқуқий давлатчиликнинг асосий шарт-шароитлари нималардан иборат?

Энг аввало иқтисодий шарт-шароитлар. Уларни мустақил ишлаб чиқарувчи, мустақил истеъмолчи (харидор), эркин фуқаро деб атаймиз.

Мустақил ишлаб чиқарувчи ҳақида гапирилар экан, энг аввало, мулкнинг хусусий ва жамоа шакллари қарама-қарши қўйишдан воз кечмоқ керак. Ваҳоланки, яқин-яқинларда ҳам бу қарама-қаршилиқ хусусий мулкка қарши курашишга салмоқли асос ҳисобланарди. Гап шундаки, хусусий шахс ҳам, ҳар қандай жамоа ҳам мустақил ишлаб чиқарувчи сифатида майдонга чиқиши мумкин. Дарвоқе, барча капиталистик мамлакатларда у ёки бу даражада давлат мулки ҳам мавжуд. Бунда давлат кўпинча ўзига энг қийин ва кам даромадли ишни олади. Мазкур мамлакатлардаги йирик акциядорлик жамиятларини гапирмасак ҳам бўлади.

Хўжайин шахси масаласига келсак, исталган киши мулк эгаси бўлиши мумкин. Жамият ва инсоннинг ахлоқий моҳиятини иқтисодий категориялар билан алмаштириб бўлмайди. Лекин айнан хусусий мулк жамиятда ҳар қандай одам ўз хоҳишига кўра (албатта, қонун доирасида) давлатга «Йўқ» дейиши ва шунга қарамай, яшаш учун зарур нарсаларидан маҳрум этилмаслиги мумкин бўлган ҳолатни зарур қилиб қўйди.

Биз эркин ишлаб чиқарувчининг аҳволини кўриб чиқдик. Қани навбатдаги шахсимиз — *истеъмолчининг* ҳоли қандай экан? Бунинг устига, ҳамма ҳам ишлаб чиқарувчи бўлавермайди. Лекин *ҳар бир одам туғилганидан бошлаб истеъмолчи ҳисобланади*. Истеъмолчиларнинг турли хил мураккаб таркиби, турли гуруҳларнинг кўпчилик манфаатлари мувофиқ келмаслиги жамият тасарруфидаги мавжуд моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашни бошқариш заруратини келтириб чиқаради. Бу кўп замонлардан бери шуғулланиб келинаётган ғоят мураккаб мавзу бўлиб, унинг тўла ечимини топишга ҳали анча бор. Бу ўринда жамият бойиб, такомиллашиб борган сари яланғоч

шиорлар, даъватлар эмас, балки ҳамиша ҳам истеъмолчи — фуқарога келиб тақаладиган айирбошлаш, савдо, бошқа мулкӣ муносабатларни мувофиқлаштириб борувчи ҳуқуқӣ нормалар шунчалик самарали ишлашини қайд этмоқчимиз, холос. Мазкур нормалар қонунларда ва биринчи навбатда — Фуқаролик кодексида мужассамлашган.

Унинг жамият ҳаётидаги аҳамиятини ҳатто Наполеон сўзлари мисолида ҳам англаш мумкин: «Менинг ҳақиқӣ шон-шуҳратим қирқта жангда ютиб чиққанамда эмас, Ватерлоонинг ўзи шунча ғалабаларимни хотирадан сидириб ташлайди. Ҳеч қачон унутилмайдиган ва абадий яшайдиган нарса - бу менинг Фуқаролик кодексим». Бу фикр ҳозиргача ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Моддий ва маънавий неъматлар истеъмолчиси - фуқаро ўзини бадастир ҳис этгандагина жамият ва давлат барқарор бўлади. Истеъмолчининг ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги, шу жумладан давлат тазйиқидан ҳам чинакам мустақиллиги жамият фаровонлигининг асосий шарти ва муҳим кўрсаткичидир.

Биз ҳаммамиз буюмлар ва хизматлар танқислиги шароитларида яшаб келдик ва эгаллаган лавозимининг катта-кичиклигига қараб, улар давлат томонидан қай тариқа етказилгани ёдимизда. Бироқ бу ўринда гап фуқаролик жамияти ҳақида эмас, мустабид шўро тузуми ҳақида кетяпти. Амалда бўлган тоталитаризм моҳиятан худди шундай жамият эди.

II боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг сиёсий асослари.

2.1. Ҳуқуқий давлатнинг сиёсий ифодаланиши.

Фуқаролик жамиятининг *сиёсий тавсифлари*. Ҳуқуқий давлат ҳақида гапирганимизда улар яққол бўртиб кўринади. *Ҳуқуқий давлат, ўз моҳият-этиборига кўра, фуқаролик жамиятининг сиёсий ифодасидир*. Уларнинг ўзаро муносабатлари — шакл ва мазмун нисбатидан иборат. Ана шу шакл ва мазмуннинг ажралмаслиги ва бир-бирига сингиб кетиши жамият яхлитлигининг ёрқин тимсоли ҳисобланади. Шундай экан, ҳеч қачон уларни бир-бирига қарама-қарши қўмаслик керак, боз устига, уларнинг қай бири асосийроқ, муҳимроқ деган саволни бериб бўлмайди.

Энди мавзудан бирмунча чекиниб, «политика» (сиёсат) сўзининг келиб чиқиш ва ишлатилиш тарихига этиборни қаратиш жоиз деб ҳисоблаймиз. Дарвоқе, ал-Фаробий ўз асарларида фақат биргина антиқ атама — «полития» иборасини қўллайди. Дастлаб, бу атама антиқ даврда ҳам қўлланганини қайд этмоқчимиз. Хусусан, Арасту «Полития» деб аталган асарлар туркумининг муаллифидир.

Ал-Фаробий «полития» атамасини давлат сиёсий шаклининг белгиси, ҳокимият тавсифи, одамлар турмуш тарзи ифодаси сифатида қўллайди. «Давлат бошлиғи ҳикматлари»да ал-Фаробий шундай ёзади: «Полития том маънода политиянинг барча турлари учун ҳамжинс эмас, балки унга мос келадиган, бироқ ўз моҳияти ва табиати жиҳатидан фарқланадиган кўпчилик нарсалар учун умумий ном дейиш мумкин»¹.

Аллома ўз фикрини давом эттириб, яна ёзади: «Алоҳида политиялар табиатини билиб олган киши нишонга уриб, мавжуд политияни ва у нималардан ташкил топганини билиб олиши, унинг тузилишида қандай жиҳатларга дуч келиши ҳамда (политиянинг) айрим оддий турлари табиати туғрисида билган нарсалари бўйича мушоҳада юритишга қодир бўлади»².

Шу тариқа Ал-Фаробий хилма-хил давлат шаклларида уларга хос умумий хусусиятлар мавжудлигини таъкидлайди. Бу хусусиятлар политияни

¹ *Аль Фараби*. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. Знание, 1978, 255-бет.

² *Аль Фараби*. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. Знание, 1978, 257-бет.

ўрганаётган кишига политияларни ҳамда улардан турлича оғишлар ва кўринишларни фарқлашда ёрдам беради.

Шу ўринда Ал-Форобийнинг яна бир ибратомуз фикрини келтириб ўтамиз. У, одамлар йил фаслларига нисбатан қандай хилма-хил муносабатда бўлишса, политиянинг конкрет турларига ҳам шундай хилма-хил муносабатда бўладилар, «зеро, политиялар ва ҳаёт тарзлари қарийб битмас-туганмас бўлган эркин ва табиий нарсалардан ташкил топган»¹, - деб ҳисоблайди. Бобокалонимизнинг муаммони ҳис этишдаги бу қадар нозик дид-фаросати, ақл-заковати, узоқни кўра билишига фақат қойил қолиш мумкин, холос.

Шу жиҳатдан олиб қараганда, профессор А.Қодировнинг сиёсатнинг табиати тўғрисидаги куйидаги жозибали ва пурмаъно фикрларига кўшилмасликнинг иложи йўқ: «Сиёсатнинг табиати... сиёсат таркиби ижтимоий-тарихий воқеликнинг объектив диалектикасини, ички ва ташқи, бевосита ва билвосита алоқалар, яккалик, алоҳидалик ва умумийликнинг ўзаро таъсирини доимо ўзида акс эттиради. Худди шунинг учун сиёсатни об-ҳавога қиёслайдилар. Сиёсий вазият жамиятда худди об-ҳаво каби доимо ўзгариб туради. Кимки буни ҳисобга олмаса, адашади. Масалан, бугун ёмғир ёғса, соябонга эҳтиёж туғилади; эртага қуёш чиқса, иссиқ бўлса, бундай ҳимоя воситасига эҳтиёж бўлмаслиги мумкин. Сиёсат ҳам жамият, муайян социал организм томирининг уришини ўзида акс эттиради. Агар сиёсат ижтимоий ҳаёт суръатини билмаса, ундан ташқарида қолса, бундай сиёсат жамиятдан бегоналашади, жамият аъзолари бундай сиёсатдан юз ўгирадилар»². Шу билан бирга, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да, ҳазрати Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий», «Ҳайратул-аброр», «Маҳбуб ул-қулуб» номли асарларида давлат ўз фуқароларини ҳар доим ҳимояси остига олиши, ғамхурлик қилиши, ижтимоий адолатсизликлар ва босқинчилик урушларидан муфтийларнинг раиятга жабрситам қилишларига йўл кўйиш асло мумкин эмаслиги қайта-қайта уқтирилган.

¹ Ўша жойда.

² Қодиров. А Сиёсат фалсафаси. Т., ТДЮИ, 2005, 12-бет.

2.2. Фуқаролик жамиятининг сиёсий асослари.

Энди, фуқаролик жамияти сиёсий тавсиялари мавзуга қайтиб, шуни айтиш керакки, тарихий жараёнда устунликни фуқаролик жамиятига (Маркс), ёхуд ҳуқуқий давлатга (Гегель) беришга уриниш иқтисодиёт билан сиёсатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйишга олиб келади. Бу эса амалиётда улкан салбий оқибатларни юзага келтиради. Чунончи, Россияни оладиган бўлсак, «қайта қуриш» йиллари у ерда сиёсий томонга кескин оғиш юз берди, чуқур ўйланган ислоҳотларга эътибор бўлмади, бунинг салбий натижаси дарҳол намоён бўлди. Ўзбекистан бошқа йўлдан борди — иқтисодий, сиёсий ва маънавий тикланишнинг устувор йўналишлари ишлаб чиқилди ва улар муштарак тарзда ҳал эта борилди.

Юқорида таъкидлаганимиздек, агар фақат давлатчилик ривожининг ўзи асос қилиб олинадиган бўлса, фуқаролик жамиятининг сиёсий тавсифи тўлиқ бўлмайди. Демократия амалий, таъсирчан бўлиши учун фуқаролик жамиятида фикрлар хилма-хиллиги талаб этилади. Кўппартиявийлик, жамоат бирлашмалари, тадбиркорлар уюшмалари, мустақил жамоаларнинг кенг тармоғи, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг хилма-хил шакллари ва шу кабилар буни таъминлайди. Оммавий ахборот воситалари - фуқаролик жамияти сиёсий тизимининг муҳим қисмидир. Чунки халқ билан икки томонлама алоқа улар воситасида амалга оширилади.

Шу маънода «Фуқаролик жамияти - ҳар бир инсон манфаатини устувор бўлувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқуқий жамият»¹. Инсонлараро муносабатлар бунинг асосини ташкил этади. Ушбуни асослаган ҳолда уни ҳақли равишда ифодалаш мумкин.

¹ *Одилқориев Х.* Конституция ва фуқаролик жамияти. Т., «Шарқ», 2002, 171-172-бетлар.

III боб. Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг маънавий асослари.

3.1. Фуқаролик жамиятининг маънавий соҳаси.

Фуқаролик жамиятининг *маънавий ҳаёт соҳасидаги учинчи аломати* умуминсоний қадриятлар устуворлиги ибораси жуда яхши ифодаланади. Эркинлик, қонун олдида тенглик, ижтимоий адолат сари изчил интилиш фуқаролик жамиятида ҳамма одамларга бошланғич тенг имкониятларни таъминлайди, ҳар бир кишининг ўз ижодий қудратини кенг намоён этиши учун шароитлар яратади.

Фуқаролик жамияти шароитларида ҳуқуқ ўз даврининг қатъий инсонпарварлик талаблари, унинг ахлоқий интилишларини ифодалайди. И.Кантнинг фикрича, фуқаролик ҳуқуқи ҳолати қуйидаги принципларга асосланади:

- жамият ҳар бир аъзосининг инсон сифатида эркинлиги;
- фуқаро сифатида ҳар бир инсоннинг бошқа фуқаро билан тенглиги;
- жамият ҳар бир аъзосининг фуқаро сифатида мустақиллиги принциплари¹.

Албатта, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда кўпчилик жараёнлар эркин, давлат эҳтиёт-чораларисиз кечаркан, у зиддиятлардан холи бўлади, деб ўйлаш тўғри бўлмайди.

Минг афсуски, агар *давлат вақтида вазиятни ўнглаб бормаса*, айнан фуқаролик жамиятида камбағаллар янада қашшоқлашиб, бойлар эса янада бойиб боришларига имконият туғилади. Бироқ, фуқаролик жамияти муайян афзалликларга эга бўлган тақдирда ҳам, бу афзалликларни тақсимотчилик муносабатларидан эмас, балки ишлаб чиқариш кучларини тез суръатлар билан ривожлантиришга интилишдан излаш керак. Ҳозирча эса фуқаролик жамиятининг чуқур илмий таҳлилни талаб этувчи қандайдир идеал қиёфаси таркиб топди, холос.

¹ Қаранг: *Мухаев Р.Т.* Хрестоматия по теории государства и права, политологии, истории политических и правовых учений. М., «ПРИОР», 2000, 155-бет.

Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ, у ёки бу мамлакатнинг бошқалардан фарқланувчи ўзига хос хусусиятларидан қатъий назар, ҳар қандай фуқаролик жамиятига хос бўлган бир қатор энг умумий ғоялар ва принципларни кўрсатиш мумкин. Булар сирасига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- 1) иқтисодий эркинлик, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, бозор муносабатлари;
- 2) инсон ва фуқаронинг табиий ҳуқуқларини сўзсиз эътироф этиш ва ҳимоялаш;
- 3) ҳокимиятнинг қонунийлик ва демократик табиати;
- 4) қонун ва одил судлов олдида барчанинг тенглиги, шахснинг юридик жиҳатдан ишончли ҳимояланганлиги;
- 5) ҳокимиятнинг бўлиниши ва ҳокимият тармоқларининг ўзаро таъсирига асосланган ҳуқуқий давлат;
- 6) сиёсий ва мафкуравий фикрлар хилма-хиллиги, ошқора муҳолифатнинг мавжудлиги;
- 7) сўз ва матбуот эркинлиги, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги;
- 8) давлатнинг фуқаролар хусусий ҳаётига аралашмаслиги, уларнинг ўзаро мажбурият ва масъулиятлари;
- 9) синфлар тинч-осойишталиги, шерикчилик ва миллий тотувлик;
- 10) одамларнинг муносиб турмуш даражасини таъминловчи самарали ижтимоий сиёсат.

Шундай қилиб, *фуқаролик жамияти — бу шахсий ҳукмронлик режимига, объектив тараққиёт қонунларини рад этувчи валютаризмга, синфий душманликка, тоталитаризмга, одамлар устидан зулмкорликка ўрин бўлмаган, қонун, ахлоқ, инсонпарварлик ва адолат принциплари ҳурмат қилинадиган эркин, ҳуқуқий демократик, юксак маданиятга эришган жамиятдир. Яна бу - аралаш иқтисодиётга эга бўлган кўп укладли рақобатга асосланган жамият, ташаббусга асосланган*

тадбиркорлик, турли ижтимоий қатламлар манфаатларининг оқилона мувозанати таъминланган жамиятдир.

Фуқаролик жамиятида фуқароларнинг давлат олдидаги мажбуриятлари асосан қонунга итоаткорлик ва солиқларни тўлашдан иборат қилиб қўйилган. Албатта, муайян ҳолатлар ва вазиятларда фуқароларнинг ижтимоий меҳнатлари, тадбиркорлик ва бошқа хилдаги фаолиятлари, хизмат, ҳарбий ва оилавий бурчларини бажариш билан боғлиқ бошқа мажбуриятлари ҳам юзага келиши мумкин. Бироқ бундай тизимда асосан юқоридан пастга қаратилган, яъни вертикал эмас, балки горизонтал муносабатлар устувор бўлади.

Фуқаролик жамияти фуқаро ва унинг эркинликларидан бошланади. «Фуқаро» сўзининг ўзи мустақиллик, тенг ҳуқуқлилиқ, шахснинг шаъни, кадр-қиммати ва ўз ҳурматини билиш каби сўз ва иборалар синоними сифатида янграйди. У ҳамиша турли хил табақавий амал-мансабларга қарама-қарши қўйилган, одамларнинг камситилган аҳволи ва уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари чекланишига қарши туриш сифатида қабул қилинган. «Авом» ёки «қора халқ» мақоми хўрланиш ва ҳақоратланишдан иборат эди. Айни пайтда «фуқаро» унвони бурч ҳисси, масъулиятини ифодалар, халққа хизмат қилиш билан боғлиқдир. Шу ўринда бир донишманднинг: «Шоир бўлмаслигинг мумкин, лекин фуқаролик сенинг бурчинг», деган сўзларини эслаш кифоя.

Айбсизлик презумпцияси ва «Қонун билан тақиқланган ҳамма нарсага рухсат этилади» деган таърифдан иборат яна икки принцип ҳам фуқаролик ҳуқуқий жамиятига хос хусусиятлардир. Биринчи принципга кўра, бирон-бир айби белгиланган тартибда исботланмаган ҳар бир одам ҳалол ва ҳеч нарсада айбсиз деб ҳисобланади. Боз устига, исботлаш ташвиши айбловчилар зиммасига юкланади. Иккинчи принцип, эркин фуқаро қонун ва ахлоққа зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатни қилишга ҳақли деган маънони англатади.

3.2. Ҳуқуқий давлатнинг мафкуравий асослари.

Фуқаролик жамияти - *сиёсийлаштирилмаган ва мафкуравийлаштирилмаган жамият*. Бироқ бу, у ҳеч қандай сиёсат олиб бормади ёки аниқ ғоялар ва қарашлардан фойдаланмайди ёхуд уларга устуворлик бермайди, деган маънони билдирмайди. *Фуқаролик жамиятига мафкуравий монополизм*, яъни бирон-бир мафкуранинг танҳо ҳукмронлиги ёт эканлиги бошқа масала. Ягона тўғри ва бенуқсон, деб ҳамда фақат унинг ўзигина яшашга ҳақли, деб тақдим этилган бирон-бир назария устуворликка даъво қилолмайди. Собиқ иттифокда, масалан, коммунистик мафкурага шундай ҳуқуқ берилганди. Унга қарама-қарши ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Эътиборингизни яна шунга жалб этишни истардикки, бизнинг назаримизда, юқорида ҳам қайд этиб ўтганимиздек, мазкур қоида тўла маънода ўринли таърифланган деб бўлмайди. Зеро, ҳар қалай, бутун жамиятни ўз атрофига бирлаштирадиган умуммиллий ғоя бўлиши керак. Шунинг учун ҳам мафкуравийликдан қутила бориш жараёнини жўн тушуниш тўғри эмас. Бинобарин, миллий истиқлол мафкурасини яратиш ва ҳаётга татбиқ этиш олдимизда турган ғоят долзарб масала эканлигини асло унутмаслигимиз лозим.

Тўғри, биз ҳозир, мафкурадан холи жамият, мафкурадан холи давлат, мафкурадан холи одам, деган ибораларни тез-тез эшитиб қоламиз. Бу, аслида, фақат «ҳамиша ғолиб» ва рад этиб бўлмайдиган танҳо мафкура ҳукмрон бўлган аввалги шўро тизимига муносабат ифодасидир. Лекин бундан эски таълимот ўрнида ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган қандайдир бўшлиқ, вакуум юзага келади, деган маъно келиб чиқмайди. Бу-жамият ва давлатнинг мафкура масаласига оид бирон-бир нуқтаи назари йўқ эканда, деган хулосага сабаб бўлиши мумкин. Аслида, Юртбошимиз таъбири билан айтганда: «Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар»¹. Шунинг учун ҳам ҳар қандай давлатнинг ўзи таянадиган маълум бирлаштирувчи рамзлари, маънавий асоси, принциплари бўлиши лозим.

¹ Каримов ИА. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. 7-том. Т., «Ўзбекистон». 1999, 84-бет.

Инсонпарвар илғор ғоялар биз кураётган фуқаролик жамиятимизга ёт бўлмайгина қолмай, узвий равишда унга хос хусусиятлардир. Бу ерда гап интеллектуал эркинлик, ўз фикрини ифодалаш эркинлиги, мафкуравий тазйиққа зид қўйиб бўлмаслиги, инсоният турмуши асосларини ларзага келтирадиган экстремистик-радикал дунёқарашлардан, синфий ва миллий курашдан, большевизмдан халос бўлиш ҳақида кетяпти. Мафкуравийликдан холи бўлиш муаммоси эса - бу қатор ўн йилликлар давомида одамлар онгига сингдирилиб, улар хатти-ҳаракатларини белгилаб турган партиявий-синфий ақидалардан қутилиш, халос бўлиш муаммосидир.

Фуқаролик жамияти — очик, демократик, истибдод ва зулмга қарши, ўзини ўзи ривожлантирувчи жамиятдир. Унда марказий ўринни инсон, фуқаро, шахс эгаллайди. Айнан шу маънода фуқаролик жамияти сиёсий-мафкуравий, айниқса, авторитар жамиятга қарши туради. Ижтимоий тирикчилик учун шарт-шароит яратишда бошланғич андоза ва таянч тузилмаси бўлган оила бунда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Гегель ўз вақтида оилани *давлатнинг биринчи базиси*, иккинчиси - *табақалашши*, деб ҳисоблаганди. Мамлакатимиз Президентга И.А. Каримов ҳам «Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди»¹, - деб ҳисоблайди.

Оила, мулк, шахс, эркинлик, ҳуқуқ, маънавият, тартиб ва давлатчилик - фуқаролик жамиятининг асосий қадриятлари шулардан иборат. Бунда мулкдор шахс ва бутун жамият эркинлигининг муҳим шарти сифатида майдонга чиқади. Гегель мулк «эркинликнинг ҳаётдаги мавжудлигидир, у ўз моҳияти билан муҳим нишондир»², - дея таъкидлайди.

Албатта, бунда мулкдорлар синфи жиноий йўл билан эмас, балки рисоладаги маданийлашган ривожланиш жараёнида шаклланиши муҳим. Шу маънода Ўзбекистон Президентининг қуйидаги сўзлари ибратлидир: «Республикамиз жамиятда бозор муносабатларини қарор топтирган ҳолда иқтисодий ислохотлар йўлидан дадил қадам ташламоқда. Лекин биз шуни теран англаб олишимиз керакки, бозор ва бозор муносабатларини мулк эгалари пайдо бўлмасдан тасаввур қилиш

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 278-бет.

² Гегель. Соч. М., 1954, т. 7. 72-73-бетлар.

мумкин эмас. Бозор, иқтисодий эркинлик ўзига хос кишилар - мулк эгаларисиз амал қилолмайди»¹ .

Дарҳақиқат, бозорда эркин, лекин қонунга итоаткор мулкдорлар фаолият юритиши керак. Капитализм қад ростлаётган даврда америкалик маърифатпарвар Томас Жефферсон- «Энг яхши ҳукумат — энг кам ҳукмронлик қиладигани», - дея қайд этганди. Маълум даражада бу гаплар иқтисодиёт билан ўзаро муносабатларга нисбатан қўллаганда давлатга ҳам таалуклидир. Бунда давлат камроқ буйруқ бериб, кўпроқ бозорнинг меъёрида ривожланишини кўзатиб бориши керак. Бизда бу борада кўп ишлар амалга оширилди ва амалга оширилмоқда. Бирок «...марказда ва жойларда амалдаги бошқарув тизимининг ҳар бир бўғини ўз вазифаси, ваколатлари ва маъсулиятини яхши ҳамда чуқур англайдиган, уни юқори малака билан бажарадиган самарали механизм сифатида фаолият кўрсата олмаётганини ҳам тан олиш керак.

Бу бошқарув бўғинлари ижтимоий тараққиёт ва фуқаролар ман-фаатларини ҳимоя қилиш масалаларини, иқтисодиёт ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг энг долзарб ва истиқболли муаммоларини ҳал этиш ўрнига кўпинча кераксиз назорат ва буйруқбозлик билан шуғулланмоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитида суяги қотган ижрочилар қарор қабул қилишда мустақил, масъулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият ва ташаббус кўрсата олмапти...»².

Шунга қарамай, таълим, соғлиқни сақлаш, турар-жой бинолари қурилиши ва ижтимоий таъминот кўпинча давлат аралашувини талаб қиладиган конкрет соҳалар қаторига киради. Беқарор жамиятда барқарор иқтисодиёт ва барқарор сиёсий тартибни барпо этиш мумкин эмас.

Гапнинг индаллосини айтганда, «Давлат бўлмаса, фуқаролик жамияти ҳам бўлмайди. Ва аксинча: фуқаролик жамиятисиз давлат ҳам бўлмайди. Фуқаролик жамияти жамият сиёсий ҳокимияти ташкилоти бўлган давлатнинг муассиси сифатида намоён бўлади. Фуқаролик жамияти ва

¹ Қаримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-том. Т., «Ўзбекистон», 1996, 172-бет.

² Қаримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. 8-том. Т., «Ўзбекистон», 2000, 335-бет.

давлат нисбати муаммоси «муассис» билан таъсис этилаётган «сиёсий ҳокимият» ўртасидаги ўзаро узвий боғлиқлик туфайли муҳим аҳамият касб этади»¹. Демак, фуқаролик жамияти давлат билан ўзаро мустаҳкам боғлиқликда мавжуд бўлади, ривож топади ва фаолият юритади. Уларнинг ўзаро муносабатларида хатоликлар бўлиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам «аппарат», «органлар» ва уларнинг «агентлари» кишиларнинг шахсий ҳаётларига аралаша олмайди ёки уларга нисбатан ҳийла-найранг ишлатолмайди. Яна бир бор таъкидлаш жоизки, фуқаролик жамияти билан ҳуқуқий давлат антиподлар сифатида бир-бирига қарама-қарши турмаслиги, балки ўзаро ҳамоҳанг ҳаракат қилиши керак.

Шундай қилиб, юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, *фуқаролик жамиятини давлатдан ташқари ва сиёсатдан ташқари (иқтисодий, ижтимоий, маданий, ахлоқий, маънавий, оилавий, диний) муносабатларнинг эркин индивид-мулкдорлар ва улар бирлашмаларининг ўзига хос манфаатлари махсус доирасини ташкил этувчи мажмуа* сифатида таърифлаш мумкин.

«Давлатдан ташқари» ва «сиёсатдан ташқари» ибораларини ҳозирги ҳолатда уларнинг мутлақ тарқоқлиги маъносида эмас, балки нисбий мустақиллик, автономлик, давлатнинг ўзбошимчалик билан аралашувидан эҳтиёт чораларини кўриб қўйиш маъносида тушуниш керак.

Шундан келиб чиққан ҳолда, айтиш мумкинки, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат бир-биридан узиб ташланган ёки ажратиб қўйилган қисмлар бўлмай, узаро бир-бирини тақозо этувчи тизимлардир. Умуман олганда, давлат - жамиятни ташкилий уюштириш шакли ва фақат шунинг ўзиёқ уларнинг ажралмаслигидан далолат беради.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг вужудга келиши, ҳал этилиши кўплаб омиллар ҳамда шарт-шароитларга боғлиқ бўлган бош ва узоқ вақтга мўлжалланган вазифадир. Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов: «Биз шуни яхши биламизки, зарур базани сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий базани

¹ Раянов Ф.М. Проблемы теории государства и права (юриспруденции). М., «Право и государство», 2003, 85-бет

яратмай туриб, одамларнинг онгини тегишли даражада шакллантирмай туриб, қисқа давр ичида бу мақсадларга эришишнинг иложи йук»¹, - деганда мутлақо ҳақдир.

Аммо мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритганидан кейин кўп вақт ўтмаганига қарамай, ҳозирда амалга оширилаётган ислохотларнинг бутун бориши пировард натижада кўзланган мақсад ривожланган бозор инфратузилмасига эга бўлган фуқаролик жамиятининг, демократик жамият, ижтимоий адолатли жамиятнинг барпо этилишига олиб боришига шак-шубҳа йўқ.

Инсоннинг табиий ҳуқуқларини, шахс эркинлигини, мулк хилма-хил шаклларини, ҳуқуқий давлат ғояларини, сиёсий фикрлар хилма-хиллигини эътироф этиш, хусусий ташаббусни ривожлантириш — фуқаролик жамияти йўлида қўяётган илк қадамларимиз шулардан иборат. Бундан қуйидаги муҳим хулоса келиб чиқади: **фуқаролик жамиятини концепция, ғоя, жараён сифатида ҳамда биз билишимиз керак бўлган реаллик сифатида фарқлай билиш зарур.**

Худди шу фикр Президент Ислом Каримовнинг биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги маърузасида қуйидагича изохлаган эди: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Адолат ва ҳақиқатга интилиш эса халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган. У давлатчилик негизларини белгилаш, исломий қоидалар ва шариат мезонларининг пойдеворини ташкил этган. Биз тарихимиздаги ана шу жиҳатларни ҳисобга олмасак, қудратли, эркин, демократик давлат кура олмаймиз.

Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятининг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт. Давлатчилик ва фуқаролик муносабатлари, меҳнат ва уй-жой, нафақа ва солиқ, табиатни муҳофаза қилиш ва жинойтчиликка қарши

¹ Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. 5-том. Т., «Ўзбекистон», 1997,130-бет.

курашиш масалалари, кўйингки, ҳаётимизнинг ҳамма жабҳалари шу заминга таяниши зарур»¹.

Албатта, ҳуқуқий давлатчилик ҳам бюрократизм, сараланиш, баъзан эса бераҳмлиқ ва лоқайдликдан қутула олмади. Лекин ҳуқуқий давлатда имкон қадар улар энг кам даражада содир бўлиши учун бутун чоралар кўрилади.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир, 3-том -. Т., “Ўзбекистон” 1996, 10-11-батлар.

Хулоса

Шундай қилиб, Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатда унинг моҳияти энг кўп аниқ ифодасини топади. Мазкур аниқлик объектив хусусиятга эга. Зеро, давлат функциялари жамият иқтисодий ва сиёсий таркиби ҳамда ижтимоий гуруҳлар, жамоалар, бутун халқ манфаатларидан келиб чиқувчи мақсад ва вазифаларнинг ҳал қилувчи таъсири остида шаклланади. Шундай қилиб, вазифа икки хил заруратни, - биринчидан, бирон-бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчидан, муайян фаолият тури заруратини ўз ичига олади. Бинобарин, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг вазифаларига боғлиқ бўлади. Зеро, улар функциялар мавжудлигининг зарур шарти бўлиб, бу функциялар мазмунини белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва услубларига таъсир кўрсатади. Шундай қилиб, эркин рақобат шароитида ишлаб чиқарувчи ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва уни оқилона ташкил этишга, яъни табиий ҳамда ижтимоий захиралар сарфини камайтиришга мажбур бўлади.

Бироқ эркин рақобат, табиийки, монополизмга олиб боради. Фаолиятли энг самарали жамиятда жамият учун фойдали бўлган ишлаб чиқарувчилар аниқ буюмлар ишлаб чиқариши ва сотилишининг энг кўп қисмини ўз қўлларида жамлайдилар. Бунда шунга эътибор қилиш керакки, монополлашиш жараёни борар экан, у жамият манфаатларига зид келмайди.

Шундай қилиб, эркин бозор фақат муайян чегараларигача иқтисодда ўзини ўзи тартибга солишда ёрдам беради, чунки у, хаддан ошса, монополияни келтириб чиқаради.

Хуллас, жаҳонда интеграция жараёнлари тобора кенгайиб бораётганлиги давлатимиздан дунё миқёсидаги, яъни глобал муаммоларни ҳал қилиш, чунончи, халқаро жинойтчиликка қарши кураш, экологик ҳаракатларнинг олдини олиш, табиат ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва хоказоларда жаҳоннинг барча давлатлари билан ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Қисқаси, айти пайтда, юқорида қайд этиб ўтганларимиздан, умуман, функциялар давлат фаолиятининг асосий вазифалари ҳамда давлатнинг

жамиятдаги вазифаси билан белгиланувчи асосий йўналиш эканлиги кўриниб турганлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

Демак, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни амалга ошириш шакли сифатида ҳуқуқий хабардорлик ғоят катта аҳамиятга эга. Бироқ бугунги кунда унинг таъсирчанлик даражаси давр талабларидан ортда қолмоқда. Мамлакатимизда ҳозирги вақтда жамиятни тубдан ўзгартириш билан боғлиқ равишда қонун яратувчилик жараёни қизгин бораётганлиги муносабати билан бу ҳолат янада муҳим аҳамият қасб этади. Айни чоғда ҳуқуқий нигилизм ва ҳуқуқий идеализмга барҳам бериш масаласини Ўзбекисон Республикаси ҳуқуқий сиёсатининг муҳим устувор жиҳатларида бири сифатида эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Қисқаси ҳуқуқий сиёсат давлат сиёсатининг таркибий қисмидир.

Қолаверса, ҳуқуқий сиёсат ҳуқуқий воситалар ёрдамида амалга ошириладиган сиёсат ҳисобланади. Шу боис ҳуқуқий воситаларни ҳар томонлама такомиллаштириш, уларнинг самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш ғоят муҳим. Шундай қилиб, хулоса сифатида шунини айтиш жоизки, фақат мустахкам ҳуқуқий тизим мавжуд бўлгандагина эскирган, ёшини яшаб бўлган тизимни тубдан қайта тузиш, ривожланган бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамиятни бунёд этишга тўла ишонч билан киришиш мумкин.

Шунинг учун ҳам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат ҳуқуқий қонун асосида яшайдиган, ҳуқуқий қонун белгилаб берган чизикдан ҳар қандай ҳолатда ҳам чиқмайдиган давлатдир. Умуман, ҳуқуқ масалаларини юридик фан нуқтаи назаридан чуқур ва изчил тадқиқ қила бориш, бир томондан, мамлакатимизда фуқаролик жамияти асосларини яратиш ва фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришнинг кўп жиҳатдан самарали ва мукамал бўлишини таъминласа, иккинчи томондан, ҳуқуқий билимли ва маданиятли, мустақиллигимизни ҳар доим астойдил асраб-авайловчи, ҳимояловчи фуқароларни, айниқса ёшларни камол топтириш имконини беради

Фуқаролик жамияти — очик, демократик, истибдод ва зулмга қарши, ўзини ўзи ривожлантирувчи жамиятдир. Унда марказий ўринни инсон, фуқаро, шахс эгаллайди. Айнан шу маънода фуқаролик жамияти сиёсий-мафкуравий, айниқса,

авторитар жамиятга қарши туради. Ижтимоий тирикчилик учун шарт-шароит яратишда бошланғич андоза ва таянч тузилмаси бўлган оила бунда ҳал қилувчи рол ўйнайди. Гегель ўз вақтида оилани *давлатнинг биринчи базиси*, иккинчиси - *табақаланиши*, деб ҳисоблаганди. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ҳам «Пок ва софдил шахсни тарбиялашда, она тилини қайта тиклашда ҳеч ким ва ҳеч нарса оила билан тенглаша олмайди», - деб ҳисоблайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1.1. Асосий адабиётлар

1. *Каримов И.А.* Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. Т., “Ўзбекистон”, 1998, 241-бет.
2. *Каримов И.А.* Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. Т., 1996, “Ўзбекистон”, 283-284-бетлар.
3. *Каримов И.А.* Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. 8-том. Т., “Ўзбекистон”, 2000, 334-335-бетлар.
4. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 323,334-335-бетлар.
5. *Каримов И.А.* Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Т., “Ўзбекистон”, 2005, 88-89-бетлар
6. *Каримов И.А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-том. Т., “Ўзбекистон”, 1996, 323,334-335-бетлар.
7. *Каримов И.А.* Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-том. Т., “Ўзбекистон”, 2001, 110-бет.

1.2. Қўшимча адабиётлар

1. Миллий истиқлол ғояси : асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар Т., “Янги аср авлоди”, 2002, 117-бет.
2. *Назаров Й., Рўзиназаров Ш.* Мустақиллик ҳуқуқ демақдир (ҳуқуқий ислоҳат тажрибаси: амалиёт муаммо ва ечимлар). Т., “Ўзбекистон”, 1998, 10-бет.
3. *Халилов Э.Х.* Ижтимоий турмушда ҳуқуқий онгнинг ўрни. Т.: “Ўзбекистон”, 1997,7-бет.
4. *Алексеев С.С.* Право на пороге нового тысячелетия. М., “Статут”, 2000, 165-бет.
5. *Ильин И.* О грядущей России. М., “Телекс”, 1993, 60-61-бетлар
6. Теория государства и права. / Под ред. *В.К.Бабаева.* М., 1999,259-бет.

7. Назаров Й., Рўзиназаров Ш. Мустакиллик ҳуқуқ демакдир (ҳуқуқий ислоҳат тажрибаси: амалиёт муаммо ва ечимлар) Т., “Ўзбекистон”, 1998, 10-бет.
8. Мамадалиев Ш. Халқ ҳокимиятчилиги. Т., 2003. 112-бет
9. Шабунин ДМ. Гражданское общество: история и современность. Чебоксары, 1996, 13-бет.
10. Пугачев В.П., Соловьев В.И. Сиёсатшуносликка кириш. Т., “Янги аср авлоди”, 2004, 264-бет.
11. Спиридонов Л.И. Теория государства и права. М., 1996, 47-48-бетлар.
12. Проблемы общей теории государства и права. М, «НОРМА», 2002, 629-бет.
13. Халқаро муносабатлар: геосиёсат, дипломатия, хавфсизлик. Т., “Академия”, 2006, 127-бет.
14. Локк Д. Избранные философские произведения. Т. 2. М., 1960, 34-бет.
15. Чиркин В.Е. Современное государство. М., (Международные отношения), 2001, 199-бет.
16. Швейцер А. Благогование перед жизнью, 90-бет.
17. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М, 1992, 503-бет.
18. Швейцер А. Благогование перед жизнью. М., 1992, 94-бет.